

ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Асроржон Расулович МУҚИМОВ

мустақил изланувчи

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

Орифжон Адилжонович САРМАНОВ

доцент в.б.

Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фаслфа доктори

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

Зебо Собит қизи ГОФУРОВА

магистратура тингловчиси

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада импорт божхона божи ва унинг йиғилувчанлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Изланишлар натижалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: божхона тўловлари, импорт божхона божи, давлат бюджети, импорт ҳажми, корреляцион таҳлил, регрессион таҳлил.

ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ИМПОРТНУЮ ТАМОЖЕННУЮ ПОШЛИНУ

Асроржон Расулович МУКИМОВ

независимый исследователь

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

Орифжон Адилжонович САРМАНОВ

и.о. доцент

Доктор философии по (PhD) экономическим наукам

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

Зебо Собит кизи ГОФУРОВА

слушатель магистратуры

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье проанализированы импортная таможенная пошлина и факторы, влияющие на её собираемость. По результатам проведённых исследований представлены научные предложения и разработаны практические рекомендации.

Ключевые слова: таможенные платежи, импортная таможенная пошлина, государственный бюджет, объём импорта, корреляционный анализ, регрессионный анализ.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш учун дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил воситалардан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш давлат воситалари таркибида импорт божхона божи асосий ўринни эгаллайди.

Импорт божхона божи мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишига мутаносиб равишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажариш мақсадларида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Мазкур йўналишнинг “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” номли 46-мақсадида – “Консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиздан ва келгуси йилларда 3 фоиздан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш” вазифаси белгилаб берилди [1].

Андерсон ва ван Винсооп ўз тадқиқотларида божхона тарифларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан қандай ҳимоя қилишини таҳлил қилганлар. Улар божхона тарифлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга рақобатда устунлик бера олишини, шу билан бирга, истеъмолчилар учун маҳсулот нархларини оширишини кўрсатиб беришган [5].

Кругман ва Обстфельд божхона тарифларининг глобал савдо оқимларига таъсирини ўрганиб, тарифларнинг савдо сиёсатидаги ролини ва халқаро савдо келишмовчиликларига қандай таъсир кўрсатишини таҳлил

килишган. Улар божхона тарифларининг савдо тўсиқлари сифатида қўлланиши глобал савдо муносабатларини қийинлаштириши мумкинлигини таъкидлашган [6].

Балдвин ва Венаблес божхона тарифларининг мамлакатлараро иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликка таъсирини кўриб чиққан. Улар тариф сиёсатининг тўғри бажарилиши мамлакатнинг умумий иқтисодий фаровонлигини ошириши мумкинлигини, аммо нотўғри бажарилганда салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қайд этишган [7].

Юқоридаги олимлар божхона тарифларининг иқтисодий ўсиш ва рақобатда муҳим ўрин тутишини инобатга олишган лекин тўлиқ ўрганмаганлиги танланган мавзунинг ниҳоятда долзарблигидан далолат беради.

Импорт божхона божига таъсир этувчи омилларга тўхталишдан олдин ушбу терминга олимларнинг таърифларини кўриб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Импорт божхона божи терминига иқтисодчи олимларнинг таърифлари


Олимлар	Берган таърифлари
П. Самуэльсон	Импорт божи – бу ҳукумат томонидан чет елдан олиб кириладиган товарларга қўйиладиган солиқ бўлиб, унинг асосий вазифаси ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва давлат даромадларини оширишдан иборат [8].
Д. Рикардо	Импорт божи – ташқи савдода нарх нисбатларини ўзгартириш орқали мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи восита сифатида қаралади [9].
Ж. Стиглиц	Импорт божхона божи – бу давлатнинг савдо сиёсати инструменти бўлиб, у орқали ички бозорни тартибга солиш, рақобатни мувозанатлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш амалга оширилади [10].
М. Кругман	Импорт божлари – халқаро савдони чекловчи тариф чоралари бўлиб, улар ички бозорни чет элдан келадиган арзон ёки ҳаддан ташқари кўп импортдан ҳимоя қилишга хизмат қилади [11].

Манба: интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Божхона тарифлари ташқи савдо сиёсатининг ажралмас қисми сифатида, уларнинг ташқи савдони ривожлантиришдаги роли ва таъсирини таҳлил қилиш жуда муҳимдир.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда давлат бюджетининг даромадлар

қисмини шакллантиришда божхона тўловлари 20-25 фоизни ташкил этаётгани ва ушбу кўрсаткич сўнгги 5 йил давомида доимий ўсиб бораётганлиги мазкур йўналишнинг нақадар аҳамияти ортаётганидан далолатдир (1-расм).



1-расм. 2015–2024 йилларда божхона тўловлари тушумининг давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши динамикаси (фоизда).
Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Божхона органлари томонидан Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бунда ўтган 5 йил мобайнида божхона тўловлари таркибида импорт божхона божининг улуши 2-ўринни эгаллаган (2-жадвал).

2-жадвал

2020-2024-йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби, %да

Т/р	Божхона тўловлари турлари	2020	2021	2022	2023	2024
1	Қўшилган қиймат солиғи	79,8	82,1	84,1	78	77,7
2	Импорт божхона божи	14,3	14,3	12,5	16,5	15,8
3	Акциз солиғи	3,7	0,9	0,7	1,2	2,1
4	Божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар	2,2	2,6	2,7	4,3	4,3
Жами:		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Божхона тўловларининг ўсишига импорт товарлар ҳажмининг

кўпайиши, товарларнинг божхона қиймати аниқланиши такомиллашаётганлиги, импорт божхона божи ставкаларининг ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

Импорт божхона божи йиғилувчанлигига таъсир этувчи омилларнинг энг асосийларидан бири – бу импорт ҳажмининг ошиши ҳисобланади.

Шунга кўра, қуйида импорт ҳажми ва ундирилган импорт божхона божи орасидаги боғлиқликни корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари асосида ўрганиб чиқамиз.

Дастлаб сўнгги 2024 йилдаги импорт ҳажми ва ундирилган импорт божхона божи тўғрисидаги маълумотларни ойлар бўйича жадвалини ҳосил қиламиз (3-жадвал).

3-жадвал

Импорт ҳажми ва ундирилган импорт божхона божи қийматларининг ойлар бўйича жадвали

Ойлар	Импорт ҳажми, млн. АҚШ долларида	Ундирилган импорт божхона божи, млрд. сўмда
Январь	2 823,50	640,00
Февраль	2 959,10	742,22
Март	2 904,93	813,94
Апрель	2 719,85	792,73
Май	3 280,47	853,63
Июнь	2 539,87	858,15
Июль	2 981,90	730,62
Август	2 959,76	724,55
Сентябрь	2 766,47	804,28
Октябрь	3 081,90	873,15
Ноябрь	2 847,15	898,83
Декабрь	3 424,86	1 268,89

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Бунда фактор белги: x – импорт ҳажми млн. АҚШ долларида ҳамда натижавий белги: y – ундирилган импорт божхона божи млрд. сўмда бўлсин деб оламиз.

Мазкур маълумотлар асосида корреляция коэффициентини қуйидаги формулалар билан ҳисоблаймиз [5].

$$r_{(x,y)} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2} \cdot \sqrt{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}}$$

4-жадвал

Импорт ҳажми ва ундирилган импорт божхона божи қийматларининг ойлар бўйича тақсимотини корреляция тенгламасига келтириш жадвали

Ойлар	Импорт ҳажми, млн. АҚШ долл. (x)	Ундирилган импорт божхона божи, млрд. сўмда (y)	$x_i - \bar{x}$	$y_i - \bar{y}$	$(x_i - \bar{x})^2$	$(y_i - \bar{y})^2$	$(x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})$
Январь	2 823,5	640,0	-117,3	-193,4	13 762,4	37 409,7	22 690,3
Февраль	2 959,1	742,2	18,3	-91,2	334,4	8 316,7	-1 667,7
Март	2 904,9	813,9	-35,9	-19,5	1 287,6	379,3	698,9
Апрель	2 719,9	792,7	-221,0	-40,7	48 824,8	1 655,3	8 990,1
Май	3 280,5	853,6	339,7	20,2	115 366,7	408,6	6 865,9
Июнь	2 539,9	858,2	-400,9	24,7	160 755,6	611,8	-9 917,0
Июль	2 981,9	730,6	41,1	-102,8	1 688,1	10 567,0	-4 223,5
Август	2 959,8	724,6	18,9	-108,9	359,0	11 851,8	-2 062,6
Сентябрь	2 766,5	804,3	-174,3	-29,1	30 395,6	848,9	5 079,6
Октябрь	3 081,9	873,2	141,1	39,7	19 905,4	1 578,8	5 606,0
Ноябрь	2 847,2	898,8	-93,7	65,4	8 772,8	4 279,0	-6 126,9
Декабрь	3 424,9	1 268,9	484,0	435,5	234 301,2	189 637,7	210 789,8
Жами(Σ)	Σ=35 290,0	Σ=10 001,0			Σ=635 753,6	Σ=267 544,6	Σ=236 722,7
Ўртача арифметиғи	$\bar{X} = 2 940,8$	$\bar{Y} = 833,42$			$S_x = 230,2$	$S_y = 149,3$	

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Амалларни бажариш натижасида корреляция коэффициенти (r) 0,57 га тенг эканлиги маълум бўлди.

Олинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, импорт ҳажми билан ундирилган импорт божхона божи орасида мусбат корреляцион боғлиқлик мавжуд. Таъкидлаш жоизки, Чеддок шкаласи бўйича боғлиқлик сезиларли ҳисобланади. Корреляцион боғланишни текширишда кўзланадиган иккинчи вазифа бир ҳодисанинг ўзгаришига қараб, иккинчи ҳодиса қанча миқдорда ўзгаришини аниқлашдан иборат.

Шундай экан, энди регрессион таҳлил асосида импорт ҳажмининг

$$Y_x = a_0 + a_1 x$$

ўзгаришига қараб, ундирилган импорт божхона божи қанча миқдорда ўзгаришини аниқлаймиз.

Бунинг учун регрессия тенгламаси орқали ҳисоб-китобни амалга оширамиз. Бу ерда a_0 – озод ҳад; a_1 – регрессия тенгламасининг коэффиценти ҳисобланади. Регрессия тенгламасида Х-омил белги олдидаги a_1 коэффицент иқтисодий таҳлил учун катта аҳамиятга эга. У регрессия коэффиценти деб номланади ва Х-омилнинг самарадорлигини кўрсатади: омил белги бир бирликка ошганда натижа ўртача қанча миқдорга ошиши (ёки пасайиши)ни ифодалайди [3].

$$\begin{aligned} n a_0 + a_1 \sum x &= \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 &= \sum yx \end{aligned}$$

Юқорида келтирилган формулаларга асосланиб 2-жадвалда келтирилган кўрсаткичнинг регрессия тенгламаси ва унинг коэффицентини аниқлаймиз. Бунинг учун қуйидагича жадвал тузилади (5-жадвал).

5-жадвал

Импорт ҳажми ва ундирилган импорт божхона божи қийматларининг ойлар бўйича тақсимотини регрессия тенгламасига келтириш жадвали

Ойлар	Импорт ҳажми, млн. АҚШ долл. (x)	Ундирилган импорт божхона божи, млрд. сўмда (y)	$x \cdot y$	x^2	$Y_x = a_0 + a_1 x$
Январь	2 823,5	640,0	1 807 040,0	7 972 152,3	789,73
Февраль	2 959,1	742,2	2 196 244,0	8 756 272,8	840,22
Март	2 904,9	813,9	2 364 298,1	8 438 444,0	820,04
Апрель	2 719,9	792,7	2 156 064,7	7 397 856,0	751,15
Май	3 280,5	853,6	2 800 234,8	10 761 680,3	959,89
Июнь	2 539,9	858,2	2 179 742,2	6 451 092,0	684,13
Июль	2 981,9	730,6	2 178 576,1	8 891 727,6	848,71
Август	2 959,8	724,6	2 144 671,1	8 760 416,0	840,48
Сентябрь	2 766,5	804,3	2 225 096,0	7 653 522,3	768,50
Октябрь	3 081,9	873,2	2 691 115,1	9 498 107,6	885,94
Ноябрь	2 847,2	898,8	2 559 063,4	8 106 547,8	798,55
Декабрь	3 424,9	1 268,9	4 345 855,6	11 729 940,0	1 013,66
Жами(Σ)	35 290,0	10 001,0	29 648 001,1	104 417 758,7	10 001,00

Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Ҳисоб-китоблар натижа $a_0 = -261,6$ ҳамда $a_1 = 0,4$ эканлиги маълум

бўлди.

Демак, a_1 регрессия коэффиценти натижавий белги (Y) билан омил белги (X) ўртасидаги боғланишни белгилаб беради. Бу эса омил белги бир бирликка ортганда натижавий белги неча бирликка ошади деган саволга жавоб беради. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, импорт ҳажмининг 1 млн. АҚШ долларга ортиши импорт божхона божини 0,4 млрд. сўмга ёки 400 млн. сўмга ошишига олиб келади.

Амалга оширилган таҳлиллардан маълум бўладики, импорт ҳажми ортиши импорт божхона божи тушумининг ортишига сабаб бўлади деган гипотезамиз ўз исботини топди.

Хулоса қилиб айтганда, импорт божхона божига таъсир этувчи омиллар доимий тизимли таҳлил қилиб борилса ва тегишли чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилса, импорт божхона божининг давлат бюджетига тушуми ортишига ва истиқбол режа (прогноз) кўрсаткичларини сифатли аниқлашга замин яратилади.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, импорт божхона божига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш юзасидан қуйидаги таклифлар билдирилади:

- корреляцион ва регрессион таҳлиллар натижасига кўра, импорт таркибида солиққа тортиладиган импортнинг улушини ошириш;

- импорт божхона божига таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли таҳлиллар ҳамда эконометрик таҳлилни амалга ошириш ва уларнинг натижалари асосида импорт божхона божи тушумининг қисқа ва узоқ муддатли истиқбол режаларини белгилаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябр ПФ-158 Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

2. Пардаев Т.Н. Божхона хизматининг фискал фаолияти: ўқув қўлланма. — Тошкент, 2022.

3. Справочник по прикладной статистике. В 2-х т.Т. 1. (Пер. с англ. подред: Э. Ллойда, У.Ледермана, Ю.Н.Тюрина. – Москва: Финансы и статистика, 1989. – 510 с.

4. Сарманов О.А. Божхона тўловларининг йиғилувчанлигига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш истиқболлари // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги – ЎЗА илм-фан бўлими (электрон журнал), 2023. – № 10 (48). – Б. 59-65.

5. Anderson, J. E., & van Wincoop, E. (2003). "Gravity with Gravitas: A Solution to the Border Puzzle." *American Economic Review*, 93(1), 170-192.

6. Krugman, P., & Obstfeld, M. (2009). "International Economics: Theory and Policy." 9th Edition, Pearson.

7. Baldwin, R., & Venables, A. J. (2013). "Spiders and Snakes: Offshoring and Agglomeration in the Global Economy." *Journal of International Economics*, 90(2), 245-254.

8. Samuelson, P.A., Nordhaus, W.D. *Economics*. McGraw-Hill, 19th edition, 2009.

9. Ricardo, D. *Principles of Political Economy and Taxation*, 1817.

10. Stiglitz, J.E. *Economics of the Public Sector*, 4th edition, 2015.

11. Krugman, P., Obstfeld, M., Melitz, M. *International Economics: Theory and Policy*, 11th edition, 2018.